


“ТАСДИКЛАЙМАН”

Жиззах вилоят Жиззах шаҳар
халқ таълими бўлими мудираси


О.Хамракулова
“24” 06 2022 йил.

Жиззах вилояти Жиззах шаҳар Қалия МФЙ ҳудудида
жойлашган

12-сонли умумий ўрта таълим мактабини жорий таъмирлаш
ишлари учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Жиззах – 2022 йил

МУНДАРИЖА

1. Умумий маълумотлар
2. Ишларни амалга ошириш объекти
3. Ишларни бажариш учун асос
4. Ишларни амалга оширишдан мақсад
5. Ишларни бажарилишига қўйиладиган асосий талаблар
6. Ижрочига қўйиладиган талаблар
7. Ишларни бажариш муддатлари
8. Ижчининг жавобгарлиги
9. Ишлар сифатига қўйиладиган талаблар
10. Топшириш ва қабул қилиш қоидалари бўйича талаблар
11. Кафолатлар ҳажми ва тақдим этиш муддатларига қўйиладиган талаблар
12. Хизматлар кўрсатиш хавфсизлигига ва хизматлар натижаларининг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар
13. Экологик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш талаблари ва шартлари
14. Хизматлар кўрсатишда жавобгарликнинг тақсимланиши
15. Нарх қисми

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

- 1.1. Техник топшириқ – давлат буюртмачиси томонидан товарнинг (иш, хизмат) асосий мақсадига, унинг тавсифига қўйиладиган талаблар, давлат харидининг бирламчи маълумотлари, мақсадлари ва вазифалари, товарни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш муддатлари, сифат кафолатлари, тавсифи ва хажми, ҳисбот шакллари (зарур ҳолларда), товарга (ишлар, хизматлар) қўйиладиган талабларнинг асослантирилиши, эквивалент кўрсаткичлар, иқтисодий, бошқа маҳсус талабларни ўз ичига олган хужжат.
- 1.2. Буюртмачи : **Жizzах шаҳар ҳалқ таълими бўлими** (кейинги ўринларда **Буюртмачи деб юритилади**).
- 1.3. **Жizzах шаҳар Тошлоқ МФЙ Шифокорлар кўчаси 5** уйда жойлашган маҳаллий бюджетдан молиялаштирилади.
- 1.4. Курилиш тури: Жорий таъмирлаш.
- 1.5. Иш тури: (Бино)
- 1.6. Иш бошлаш-тугаллаш режага оид муддатлари: **шартнома тузилган санадан бошлаб 30 (ўттиз) календар куни муддатда**.
- 1.7. Ишлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг талабларига, меъёрий-техник хужжатларига, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.
- 1.8. Курилиш даврида чиқарилган меъёрий хужжатлар бўлса, улар Буюртмачига олдиндан хабар берган ҳолда Пудратчи томонидан ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб фойдаланиши лозим. Шу билан бирга, Буюртмачи қурилишга нисбатан юмшоқ талаблар қўядиган норматив хужжат қабул қилинган тақдирда Пудратчига ушбу норматив хужжатлардан фойдаланиш тақиқланиши мумкин.

2. ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОБЪЕКТИ

- 2.1. **Жizzах шаҳар Қалия МФЙ ҳудудидаги 12-сонли мактаб.**
- 2.2. Тегишли ҳулосаларга эга, тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатлар илова қилинади.

3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН АСОС

Танлов ўтказиш учун “BIMPROCITY” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган смета хужжатлари, ҳамда “Шаҳарсозлик хужжатлар экспертизияси” Давлат

унитар корхонасининг 20.06.2022 йилдаги № 47480-сонли экспертиза хулосасига асосан янги қурилиш режалаштирилмоқда.

4. ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН МАҚСАД

4.1. Мактаб ўқувчиларининг таълим олишлари учун етарли шартшароитлар яратиш.

5. ИШЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

5.1. Ишлар Буюртмачининг тегишли хулосалари мавжуд бўлган, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак.

5.2. Қурилишни амалга ошириш бўйича барча ишлатиладиган қурилиш материаллари Буюртмачининг ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бўлиши ҳамда тегишли сифатда ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

6. ИЖРОЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

6.1. Пудратчи бундай иш турларини бажариш талабларига мос бўлиши лозим.

6.2. Ўхшаш иш бўйича ишларни бажариш тажрибаси 3 (уч) йилдан кам бўлмаслиги керак.

6.3. Танлаш обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибаси мавжудлиги (зарур ҳолларда обьектни фойдаланишга топшириш далолатномаси, ишчи комиссия далолатномаси ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларнинг тақдим этилиши).

6.4. Лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ ишларни бажариш, қурилиш учун субпудрат шартномаларини тузиш (зарур бўлса), иш учун рухсатнома олиш, обьектларни хавфсизлигини таъминлаш, зарур материаллар ва тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш ва амалга ошириши лозим.

6.5. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва моддий-техника ресурслари (бундан кейин МТР деб юритилади) рўйхатига мувофиқ МТРни етказиб беришни таъминлайди. Буюртмачи ускуналар, материаллар ва қисмларни кириб келишида назорат ва қабул қилиши мумкин. Пудратчи сотиб олинган МТРни ўз маблағи ҳисобидан сақлашни таъминлайди.

6.6. Буюртмачининг талабига кўра ишлатиладиган материаллар ва компонентлар, сифатини тасдиқловчи ҳужжатларни (ТШ, паспортлар, сертификатлар), уларни ташиш, сақлаш, қадоқлаш, ва маркировка мавжудлиги норматив-техник (муҳандислик ва технология) талабларига жавоб берувчи ҳужжатларни тақдим этишда Буюртмачига мутахассисларни жалб қилган ҳолда комиссия кириш назоратини амалга оширишга рухсат берилади.

- 6.7. Тегишли ишларни бажаришга рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши шарт. Пудратчи қурилиш ишларини бажариш вақтида қурилиш ишлари учун зарур бўлган маҳсус рухсатномаларга эга бўлиши лозим.
- 6.8. Харид предмет қийматининг 20% дан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағлар ёки ишлар (хизматлар)ни бажаришда зарур бўлган кўрсатилган маблағлар, ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассис тақдим этилишига банк кафолати мавжудлиги;
- 6.9. Жорий йил учун молиявий мажбуриятлар хажми қурилиш-пудрат ташкилотининг сўнгги уч йиллик ҳисобот даврининг бир йилда бажарилган энг йирик ишлар хажмининг 1.5 бараваридан ошган бўлмаслиги керак.
- 6.10. Пудратчининг машина ва механизмлари тўғрисида маълумот тақдим этиши, омборхона ва ишлаб чиқариш майдонлари мавжудлиги, зарур ҳолларда комиссия талабига кўра тегишли ҳужжатларни тақдим этиши шарт.
- 6.11. Ишларни бажариш учун Пудратчи ташкилот штатида етарли малака ва тажрибага эга бўлган мутахассисларга эга бўлиши шарт.
- 6.12. Пудратчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фуқаролик-хуқуқий шартнома бўйича мутахассисларни жалб қилиши мумкин.
- 6.13. Курилаётган Объект сифатини ошириш мақсадида смета ҳужжатлари доирасида қўшимча тўловларсиз лойиха ва иш ҳужжатларига ўзгартиришлар, тузатишлар киритиш тўғрисида таклифлар киритиши мумкин.
- 6.14. Пудратчи ижро ҳужжатларини сифати ва тўлиқлигига, бажарилган ишлар муддати ва хажми мувофиқ эканлигига алоҳида эътибор қаратиши шарт.
- 6.15. Курилиш жараёнида ишларни қабул қилинишидан бошлаб, лойиха ҳужжатларида кўрсатилган ишлар якунига етгинча ижро ҳужжатларини расмийлаштириб бориш.
- 6.16. Курилиш бошида, шунингдек қурилиш даврида Пудратчи Буюртмачи билан қурилишни таъминлайдиган маъмурий, бошқарув ва техник хизматлар тизими учун келишилган ташкилий ижро этувчи (функционал-тайёргарлик) схемасининг мавжудлигини таъминлайди.
- 6.17. Асосий техник ечимлар Буюртмачи билан келишилган бўлиши лозим.
- 6.18. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материалларни сотиб олиш, етказиб бериш, юклаш, тушириш ва ҳимоя қилиш Пудратчи томонидан амалга оширилади.
- 6.19. Пудратчи сайтда бажарилган ишлар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш, ахборот алмашиш учун Буюртмачи томонидан ўтказиладиган юзма-юз учрашувларда шахсан иштирок этиши ёки ваколатли вакилининг иштирокини таъминлаши керак.
- 6.20. Пудратчи Давлат назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишларда, идоравий текширишларда иштирок этади, зарур ҳужжатларни тақдим этади ва бажарилган ишларни пазораз ўлчовларини мустакил равишда олиб боради. Ишларни ишлаб чиқариш пайтида пайдо бўладиган лойиҳалаш қарорларини кўриб чиқишида ва тасдиқлашда

қатнашади, зарур ҳолларда материаллар, маҳсулотлар, конструкцияларни алмаштирилишини назорат қилади.

6.21. Пудратчи Буюртмачига ишнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган барча ўзгаришлар, ушбу объект билан боғлиқ шартлар, жадваллар, иш режимлари, жисмоний ва молиявий ҳажмлар, техник ечимлар ва бошқа масалалар хақида маълумот бериб боради.

6.22. Пудратчи Буюртмачининг мулки бўлган барча ишлайдиган, яна фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун мос бўлган ускуналар, материаллар, қурилмалар, маҳсулотлар, тузилмалар, радиаторлар ва х.к, ўтказиш мажбуриятини олади ва қабул қилиш-ўтказиш далолатнома орқали Буюртмачининг омборига топширади. Қабул қилиш-ўтказиш далолатномаси Буюртмачига, демонтаж қилинган асбоб-ускуналар, материаллар, ашёлар, маҳсулотлар, иншоотлар, радиаторлар, сантехника буюмлари Буюртмачи омборига ўтказилаётган бир вактда тақдим этилади.

6.23. Технологик жараённинг бузилиши, техник спецификациядан четга чиқиши аниқланган тақдирда Буюртмачи берилган изоҳлар тузатилгунга қадар ишни тўхтатиш ҳуқукига эга.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Ишларни бажариш муддати олдиндан тўлов олинган кундан бошлаб 50 (эллик) календар кунигача.

8. ИЖРОЧИННИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ижрочи қуидагилар учун жавобгар: ишларнинг қонунчилик талаблари ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ сифатли бажарилиши; ишларни бажариш пайтида тегишли сертификатга эга бўлган ўз асбоб-ускуналаридан фойдаланиши; тегишли ташкилот ёки Буюртмачи томонидан ишларни бажариш учун тегишли рухсатномалар ва тасдиқланган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда объект қурилиши бўйича ишларни бошлаш; объект ишларини бажариш учун календар жадвалининг шартларига риоя қиласлика ва унинг бажарилмаганлиги.

9. ИШЛАР СИФАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

9.1. Ишлар сифатига камида бир йил муддатга кафолат бериш.

9.2. Ишларни тегишли сифат ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини шартнома билан белгиланган муддатига риоя этиш.

9.3. Пудратчи томонидан шартномада кўзда тутилган мажбуриятларнинг тўлиқ ҳажмига, мажбуриятларни бажариш сифатига кафолат ва у ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб бир йилдан кам бўлмаган муддатда амал қиласли.

9.4. Кафолат муддатида Буюртмачи томонидан нуқсонлар аниқланган ҳолларда, Пудратчи томонидан нуқсонларни бартараф этиш муддатига узайтирилади. Агарда кафолат муддати амал қилиш даврида қонун ёки бошқа

хуқуқий ҳужжат ушбу бандда назарда тутилган кафолат муддатига нисбатан узокроқ муддат белгиланса кафолат муддати тегишли муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

9.5. Пудратчи ишларни қабул қилиш чоғида аникланған камчиликларни үз вактида бартараф этилиши учун жавобгар бўлади.

10. ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

10.1. Бажарилган ишларни қабул қилишни амалга оширишда Пудратчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиши лозим.

10.2. Буюртмачи Объектни қабул қиласди. Шу жумладан зарур ҳолларда эксперт жалб қилган ҳолда, ишни барча босқичлари якунлангандан сўнг Объектнинг қурилиш босқичи битказилганлиги тўгрисидаги қабул далолатномасини расмийлаштиради, ишни бажариш давомида Буюртмачи норматив-техник ва конструкторлик ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши борасида бажарилган ишларни кузатиб боради. Ишлар бажарилиш мобайнида Пудратчи Буюртмачига ижро этувчи техник ва хисбот ҳужжатларини тақдим этиши шарт.

10.3. Пудратчи барча ишларни ўзига топширилган лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ, шартномада кўзда тутилган ҳажм ва муддатларда бажариши ҳамда иш натижаларини Буюртмачига топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича қурилиш объектдан нормал фойдаланиш имконини берадиган ҳолатда топшириш мажбуриятини олади.

10.4. Томонлар бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолаганидан сўнг ишлар бажарилган ҳисобланади.

10.5. Объектни қабул комиссияси қабул қилинган санада ишга туширишда Пудратчи мажбурий тегишли шакллар ва ҳужжатларни қабул қилиш комиссиясининг аъзоларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳужжатларни ҳавола қилиш тартибига норматив талаблар билан белгиланган кўрсатмаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда таъминлаши ва тақдим этиши лозим.

10.6. Ишлар сифатсиз бажарилган тақдирда, Пудратчи Буюртмачи билан муддатларни келишган ҳолда ўз ҳисобидан аникланган камчиликларни бартараф этиши шарт. Камчиликлар бартараф этилгандан сўнг Буюртмачи тақроран иш натижаларини қабул қиласди.

10.7. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш улар ҳақиқатда тўлиқ бажарилгандан сўнг, ҳисоб-фактура/инвойс ва Бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилади.

10.8. Тегишли шаклда кўрсатилган ҳар бир тўланган иш текшириш гувоҳномаси билан скп Буюртмачи томонидан бошқа иш учун тегишли ҳужжатлар ва бошқа иш учун тўлов амалга оширилган тақдирда, бошқа иш

учун тегишли ҳужжатлар ва бошқа ишларни етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан тасдиқланиши керак.

10.9. Пудратчи қуидаги мажбуриятларни олади: объектда ишларни ташкиллаштириш бўйича барча зарур тайёргарлик ишларини бажариш; объектни зарур қурилиш материаллари, ускуналар, буюмлар, конструкциялар, бутловчи буюмлар, қурилиш техникаси билан ўз вактида таъминлаш.

10.10. Пудратчи ишларни бажариш вакти давомида ушбу Техник топширик бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча вақтинчалик тармоқлар ва коммуникацияларга уланиш ишларини ва тўловларини ўз кучи ва ўз ҳисобидан амалга ошириш мажбуриятини олади. Бунинг учун Пудратчи ишларни механизациялаштириш учун зарур техник шароитларни яратади, механизациялаштириш лойиҳасини ишлаб чиқади ва уланишни амалга оширади.

10.11. Пудратчи ишларни бажаришни бошлашдан аввал, етказилган қурилиш материаллари, ускуналар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар таркиби ва сифатини Буюртмачи билан келишиш мажбуриятини олади.

10.12. Пудратчи барча ишларни тўлиқ шартнома шартлари, техник топширик, лойиҳалар, ишчи чизмалар, шунингдек амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг барча шаҳар қурилиш нормаларига мувофиқ бажариш мажбуриятини олади.

10.13. Пудратчи қабул қилиш вақтида ва Объектдан фойдаланишининг кафолатланган муддати давомида аниқланган нуқсон ва камчиликларни ўз вақтида ва тўлиқ, ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан бартараф этиш мажбуриятини олади.

10.14. Пудратчи қурилиш майдонига етказиладиган барча материаллар, ускуналар, конструкциялар ва бутловчи буюмларни ўз кучи билан қабул қилиш, тушириш ва омборга жойлашни таъминлаш мажбуриятини олади.

10.15. Пудратчи ишчи ва ходимлар вақтинчалик яшashi, материаллар сақланиши ва ишлар бажарилиши учун зарур бўлган барча вақтинчалик иншоотларни ўз кучи билан ва ўз маблағлари (воситалари) билан қуриш мажбуриятини олади.

10.16. Пудратчи Объектни ва Объект атрофидаги худудни барча ишлар бажарилиш муддати давомида ўраш, сақлаш ва тозалашни ўз ҳисобидан амалга ошириш мажбуриятини олади.

10.17. Пудратчи барча ишлар якунлангандан сўнг, 5 (беш) кун муддатда, ўз кучи ва ўз ҳисобидан қурилиш майдонини (хона, лаборатория, бино) вақтинчалик иншоотлардан, қурилиш материалларидан, маҳсус техникадан, шунингдек қурилиш чиқиндиларидан бўшатиш ва Объектни тозалашни амалга ошириш мажбуриятини олади. Акс ҳолда, Буюртмачи Пудратчи томонидан юқорида кўрсатилган мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар бажарилган пудрат ишлари учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширмаслик хукуқига эга.

10.18. Пудратчи бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангунга қадар Объектни қўриқлаш мажбуриятини

олади. Пудратчи ижро ҳужжатларининг ўз вақтида чиқарилишини, назорат съёмкаларини тўғри бажарилишини, синовлар ўтказилишини, ишларни амалга ошириш журналларининг, лаборатория ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланган бошқа журналларнинг расмийлаштирилишини таъминлаш, шунингдек зарур бўлганда қурилиш майдонида амалдаги нормаларда кўзда тутилган ҳажмда Объект қурилишида ишлатиладиган материаллар, буюмлар, конструкциялар ва конструктив тизимлар, ускуналарнинг сифатини тасдиқловчи паспорт, сертификат ва бошқа ҳужжатлар мавжудлигини ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш мажбуриятини олади. Объектни фойдаланишга топширгунга қадар З (уч) кундан кечикмасдан топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича ижро ҳужжатларининг тўлик тўпламини Буюртмачига топшириш, қуйидагилар аниқланганда Пудратчи дарҳол Буюртмачини хабардор қилиш ва ундан кўрсатмалар олингунга қадар ишларни тўхтатиш мажбуриятини олади.

- Буюртмачининг ишларни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш оқибатлари унинг учун салбий бўлиши мумкинлигига; бажарилаётган иш натижаларининг яроқлилигига ёки Объект мустаҳкамлигига хавф соладиган ёки унинг муддатида якунланишига тўсқинлик қиласидиган Пудратчига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар;

- Буюртмачининг талабига кўра сметада қўлланаётган материаллар нархини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш. Қабул қилиш вақтида аниқланган камчиликлар (ишнинг чаласи, нуқсонлар) Томонлар билан имзоланадиган нуқсонлар далолатномасида кўрсатилади. Уларнинг барчasi нуқсонлар далолатномасида белгиланган муддатда бартараф этилиши лозим. Бажарилган ишлар натижаларини топшириш Пудратчи томонидан уларнинг бажарилиши якунланган санадан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади. Бажарилган ишлар натижаларини қабул қилиш вақтида Буюртмачи томонидан Пудратчининг маъсулиятсизлигидан юзага келган жиддий бузилишлар аниқланган ҳолда, Буюртмачи бажарилган ишлар далолатномасини имзоламайди, Пудратчига сабаблари кўрсатилган, асослантирилган рад жавобини юборадива Буюртмачининг ихтиёрига кўра Томонлар билан қўшимча келишилган тартиб ва муддатда Пудратчидан қуйидагиларни талаб этишга ҳақли бўлади: Буюртмачининг бажарилган ишлар натижаларига нисбатан билдирилган танқидий мулоҳазаларини ўз ҳисобидан бартараф этиш; Буюртмачи томонидан имзоланиш муддати аниқланган бузилишлар бартараф этилиш пайтига қадар узайтирилади. Буюртмачи факт тегишли тарзда бажарилган хизматлар қисми учун тўловни амалга оширади. Гумонларнинг олдини олиш мақсадида факт жиддий сабаблар кўрсатилган ҳолда Буюртмачи бажарилган ишлар далолатномасини имзоламайди. Жиддий сабабларсиз бошқа сабаблар бажарилган ишлар далолатномасини қабул қиласлик учун асос бўла олмайди. Пудратчи барча ишларни ўзига топширилган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ шартномада ва унинг иловаларида кўзда тутилган ҳажм ва муддатларда бажариш ҳамда иш натижаларини Буюртмачига топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича қурилиши якунланган Объектдан нормал фойдаланиш имконини берадиган

холатда топшириш мажбуриятини олади. Буюртмачининг бажарилган ишлар натижаларига нисбатан билдирилган танқидий мулоҳазалари Пудратчи томонидан бартараф этилган тақдирда, Буюртмачи ушбу бандда белгиланган тартибда бажарилган ишлар натижаларини қабул қилишни такоран амалга оширади. Буюртмачи бажарилган ишлар далолатномасини уларни Пудратчидан олган пайтдан бошлаб 15 иш кунидан кечиктирмасдан имзолайди ва муҳр билан тасдиқлайди, ёки Буюртмачи Пудратчига шу муддатда имзоланган (муҳр билан тасдиқланган), асосланган далолатномани имзолашни рад этувчи жавобини юборади.

11. КАФОЛАТЛАР ҲАЖМ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

11.1. Кўрсатилган хизматлар кафолати тўлиқ ҳажмда тақдим этилади. Кўрсатилган хизматлар сифатининг кафолатини тақдим этиш ҳажми кафолат мажбуриятлари кучга кирган тақдирда бажариладиган умумий ишлар ҳажми тушунилади.

11.2. Кўрсатилган хизматлар кафолатининг муддати – шартноманинг амал қилиш ва хизматларни қабул қилиш якуний далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб кейинги 12 (ўн икки) ой даври. Агар кафолат муддати даврида камчиликлар ёки нуқсонлар аниқланса, Пудратчи (ўзининг айби йўқлигини исботлай олмаган тақдирда) Буюртмачи билан келишилган ҳамда аниқланган камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этиш муддати билан далолатномада кайд этилган муддатларда уларни ўз ҳисобидан бартараф этиши шарт. Ушбу ҳолда кафолат муддатига мос равишда нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади.

12. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ВА ХИЗМАТЛАР НАТИЖАЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

12.1. Кмк 3.01.02-00 “Курилишда хавфсизлик техникаси”, ШИК 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”, 15.11.2010 йил 0289-10- Курилиш ишлари ва курилишда ишлаб чиқаришни ташкил этишга қўйиладиган гигиеник талабларнинг санитар қоидаларига ҳамда хизмат кўрсатиш ва уларнинг натижалари хавфсизлигини регламентлайдиган бошка норматив ҳужжатларга мувофиқ.

12.2. Пудратчи меъёрий ҳужжатларга, шунингдек маҳаллий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ объектда меҳнат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича чоратадбирлар бажарилишини таъминлаши шарт.

- 12.3. Пудратчининг барча ишчи-ходимлари соғлиқни сақлаш суғуртаси ёки иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиғини мажбурий суғуртаси иш бажариш/хизмат кўрсатиш бутун муддати давомида мавжуд бўлиши шарт.
- 12.4. Таъмирлаш ва реконструкция ишлари фойдаланадиган бино ва ҳудуд шароитида амалга оширилиши сабабли, Пудратчи одамларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар бажарилишини таъминлаши шарт.
- 12.5. Объектдаги фавқулодда ҳолат аниқланган пайтдан бошлаб бир кун ичидаги Буюртмачига маълум қиласди.
- 12.6. Пудратчи иш вақтида, Объектни тўлиқ етказиб бергунга қадар меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш учун жавобгар бўлиб, рухсатсиз шахсларнинг иш жойига киришини четлайди.
- 12.7. Пудратчи қурилиш майдонида ишлаб чиқариш интизомини ва гигиена стандартларига риоя қилишни ўз зиммасига олади. Рухсатсиз шахсларнинг қурилиш майдонида бўлиши, алкоголь ичимликлар, қонун билан тақиқланган дори ва моддалар ичиши, номаълум жойларда озиқ-овқат сақлаши ва истеъмол қилиши, хожатхонадан фойдаланиш учун санитария нормаларини бузиши, маҳсус кийим-кечак, поябзал ва шахсий ҳимоя воситаларисиз одамларни ишлатиши мумкин эмас.

13. ЭКОЛОГИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

- 13.1. Ишлар Ўзбекистон Республикасининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.
- 13.2. Пудратчи ўз маблағи билан иш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни йиғиши, ташиши, заарсизлантириши (утилизация қилиши)ни таъминлайди.
- 13.3. Пудратчи мустақил равишда ва белгиланган тартибда атроф-мухитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариши, оқизиши, шу жумладан чиқиндиларни иш муддатига жойлаштириши ва ўйқ қилиш учун ҳақ тўлайди.
- 13.4. Тегишли жарималар, даъволарни тўлаш учун Пудратчининг харажатлари Буюртмачи томонидан қопланмайди.

14. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ТАҚСИМЛАНИШ МАТРИЦАСИ

Танлов предметининг нарх қисмига қўйиладиган талаблар жадвалда келтирилган:

	Жавобгарлик	Ижрочи	Буюртмачи
Ишлар бажарилишининг келишилган жадвали		X	X
Ўз вақтида етказиб бериш		X	
Сифатли бажариш		X	
Буюртмачи объектларига киришни таъминлаш			X
Буюртма бажарилиши тўғрисида икки томонлама ахборот		X	
Харидни ёпиш учун зарур хужжатларни ўз вақтида тақдим этиш		X	
Аниқланган камчиликлар ёки нуқсонларни Буюртмачи билан келишилган муддатларда, ўз вақтида бажариш		X	

15. НАРХ ҚИСМИ

№	Номи	Тушунча
1	15% ККСни ҳисобга олган ҳолда чегаравий қиймати (Сўм)	876 000 054
2	Молиялаштириш манбай	Махаллий бюджет (опен)
3	Бажариш муддати	30 (ўттиз) калеидар куни
4	Тўлов шартлари	

МТ ва ЭХ бўлими мутахасиси:

Ў.Норматов